2012 йил 25 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 17 (12.078)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Санъат оламида бугунги кунда жуда кўплаб ёркин юлдузлар кашф этилмоқдаки, уларнинг аксарияти, мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларидир. Ёш иқтидорларнинг жарангдор овозлари, куй ва наволарни меҳр билан ижро этишларида устоз ўқитувчиларнинг ҳам хизматлари беқиёсдир.***

## ЁШ ИҚТИДОРЛАР КАШФ ҚИЛИНМОҚДА




Шаҳримиздаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам ана шундай истеъдодли ёшларни етказиб беришда етакчилик қилиб келаётган ўқув масканлари қаторига киради. Чунончи, «Янги авлод-2010» болалар ижодиёти фестивалида Мансуржон Парпиев бошчилигидаги «рубобчилар ансамбли» шаҳар босқичи совриндори бўлган бўлса, ўқитувчи Гулбаҳор Бобохонова бошчилигидаги дуторчилар ансамбли ушбу фестивалнинг республика босқичида ғолибликни қўлга киритди.

Ўтган йили ҳам Муҳиддин Қориёқубов номидаги Республика ёш ижрочилар кўрик танловининг шаҳар босқичида бир қанча ўқувчилар, жумладан, дутор йўналиши бўйича Инобатхон Ёдгорхўжаева биринчи ўринни, Сожидахон Дўстхўжаева, Ҳаётжон Шониёзов иккинчи ўринни, Бобур Ризаев, Насиба Собирова, Зарина Гусейновалар гитара ва хореография бўйича иккинчи ўринларга сазовор бўлдилар.

Шу танловнинг май ойида бўлиб ўтган республика босқичида Беҳзод Шокиров (ғижжак) биринчи, Суҳроб Ҳамдамов (афғон рубоби) иккинчи, Одилбек Мавлонбеков (қашқар рубоби), Фозил Фарҳодов (доира) ва Жаҳонгир Убаев (қашқар рубоби) учинчи ўринларни эгаллаб, ўқув муассасаси нуфузини янада оширдилар.

«Янги авлод-2011» болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичида фаол иштирок этганлиги учун бир қанча ўқувчилар фахрий ёрлиқ билан тақдирланган бўлсалар, республика босқичида Меҳринигор Абдурашидова дутор, Ангелина Ташпулатова вокал мутахассислиги бўйича ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, улар гала концертда ҳам иштирок этиб қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

15-болалар мусиқа ва санъат мактаби тарихи хусусида қисқача тўхталадиган бўлсак, 1966 йилда ташкил топган ушбу санъат даргоҳи бугунги кунгача бир қанча Ўзбекистон халқ артистларини, истеъдодли бастакорларни етказиб берган маскандир. Мактабда ўзбек халқ чолғулари (қашқар рубоби, афғон рубоби, дутор, чанг, доира, ғижжак), фортепиано, скрипка, гитара, вокал, театр, хореография, тасвирий санъат бўлимлари фаолият юритиб 300 дан зиёд ўқувчилар таҳсил олиб келмоқдалар.

Уларга иқтидорли ўқитувчилардан Ҳ.Сагдуллаев, М.Парпиев, Г. Бобохонова, П.Новиков, Е.Маркелова, А.Мирзаев, О.Аблаевалар қунт билан мусиқа ва санъат сирларини ўргатмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ёш иқтидорли ўқувчилар ўз йўналишлари бўйича қатор совринларни қўлга киритмоқдалар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: 15 -болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳаётидан лавҳа**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

## НЕМИС САЙЁҲЛИК НАШРЛАРИ БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ҲАҚИДА

***Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг бой тарихий ва маданий меросига, шунингдек, сайёҳлик салоҳиятига Германия жамоатчилигининг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Германиянинг турли нашрларида мамлакатимиз сайёҳлик индустриясининг бугунги тараққиёти ва тарихий ёдгорликлари мавзуларига бағишланган мақолаларнинг тез-тез чоп этилаётгани бунга яққол мисол бўла олади.***

Масалан, яқинда Германиянинг «Worlitz Tourist» сайёҳлик компанияси томонидан чоп этиладиган «KulTouren 2012» журналида «Ўзбекистон: Буюк Ипак йўли бўйлаб» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда Шарқ ва Ғарб цивилизацияларининг ривожланиши ва бир-бирини бойитишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилади. «Узоқ ўтмишда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан Буюк Ипак йўли бўйлаб туя карвонлари ўтишгани қадим ва гўзал Самарқанд ҳамда Бухоронинг нақшинкорлик санъати намуналарида ўз аксини топган», деб ёзади немис нашри.

Мақолада таъкидланишича, бепоён Қизилқум саҳроси ва гуллаб-яшнаётган воҳа шаҳарлари ўртасидаги кескин фарқлар, шунингдек, мамлакатимизнинг ранг-баранг маданияти, бетакрор табиати дунёнинг барча нуқталаридан сайёҳларни ўзига жалб этиб келади.

Германия заминида чоп этиладиган нашрлардан яна бири - «Orient» журналида эълон қилинган «Марко Поло изидан Буюк Ипак йўли бўйлаб» сарлавҳали мақолада ҳам Ўзбекистондаги тарихий шаҳарларнинг ўзига хос жиҳатлари қаламга олинган.

Мақолада қайд этилишича, «қадимги Буюк Ипак йўлининг тарихий шаҳарлари – Шарқнинг энг гўзал масжиди қарор топган Самарқанд, миноралари бир пайтларда саҳродан ўтаётган карвонлар учун маёқ вазифасини бажарган Бухоро, бугунги кунгача яхши сақланиб қолган, ноёб тарихий-меъморий ёдгорликларга эга бўлган Хива ҳамда гўзал эски шаҳари ва гавжум Чорсу бозори билан машҳур Ўзбекистон пойтахти - азим ва замонавий Тошкент – буларнинг барчаси гўё бир ипга тизилган марваридлардир».

Яна бир нашр - Германиянинг энг йирик савдо тармоқларидан бири бўлган «Lidl» компаниясининг сайёҳлик ахборотномаси ҳам яқинда Ўзбекистон манзаралари ҳақида суратлар билан бирга юртимиз ҳақидаги муфассал ахборотларни чоп этди. Айтиш лозимки, истеъмолчиларнинг катта ишончига сазовор бўлган «Lidl» компанияси 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўз мижозларига юқори сифатли хизмат кўрсатиб келаётгани ҳолда у дунё мамлакатлари бўйлаб саёҳатга таклиф қиладиган турли-туман сайёҳлик компаниялари билан ҳам муваффақиятли ҳамкорликни йўлга қўйган.

Юқоридагилардан ташқари, Германияда чоп этиладиган «Саёҳатлар ва денгиз сайрлари» номли нашрнинг махсус сонида ҳам 2012 йилда Ўзбекистон бўйлаб бир ҳафталик баҳорги ва ёзги саёҳат йўналишлари таклиф қилинган. Унда сайёҳлар учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарларни ўз кўзи билан кўриш имкониятлари атрофлича қаламга олинган.

Номлари санаб ўтилган нашрларнинг барчасида Ўзбекистон ва унинг табиий, иқлимий хусусиятлари ва ўзига хосликлари ҳақидаги, шунингдек, сайёҳлар учун асқотадиган кўпгина бошқа маълумотлар ҳам ўз ифодасини топгандир.

**«Жаҳон» АА**

**Берлин**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, олий таълим муассасалари раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.***

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг раиси А.Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борада мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Айни пайтда мамлакатимизда беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ўтказилган спорт мусобақалари «Талаба саломатлигида спортнинг ўрни» деб номланди.

✓ **БУГУН** Тошкент Молия институтида «Асрларга татигулик кун» мавзуида ижодий учрашув бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида «Маърифатга боғланган кўнгил» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ Пўлат Раззақович Бобожонов Хоразм вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.**
- **Термиз шаҳрида оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ролини мустаҳкамлашга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги оммавий ахборот воситалари, матбаа корхоналари раҳбарлари, солиқ ва божхона органлари вакиллари, журналистлар қатнашди.**
- **«Энг намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичида ўн иккита милиция таянч пункти иштирок этди.**
- **Бухоро вилоятида болаларни вирусли гепатитнинг В турига қарши эмлаш бошланди.Вилоятда ушбу тадбирга пухта тайёргарлик кўрилди. Туман ва шаҳарлардаги қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларда 472 эмлаш шохобчаси ҳамда 547 эмлаш бригадаси ташкил этилди. Тадбирларга махсус тайёргарликдан ўтган 680 нафардан зиёд тажрибали врач, 1225 нафар эмлаш ва патронаж ҳамширалари жалб этилди.**
- **Қизилтепа туманидаги Ванғози қишлоғида муҳташам савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишлари тадбиркор Қодир Бозоровнинг 300 миллион сўм маблағи ҳисобидан амалга оширилди. Мазкур мажмуадан мебель ишлаб чиқариш цехи, маиший техникаларни таъмирлаш устахонаси, сартарошхона, гўшт дўкони ва супермаркет ўрин олган. Мажмуанинг фаолият бошлаши билан 60 га яқин киши ишли бўлди.**
- **Фарғона шаҳридаги транспорт коллежида битирувчилар бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда 20 дан зиёд корхона ва ташкилот ўзларининг мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмаркада 190 нафар битирувчини иш билан таъминлаш бўйича коллеж, иш берувчи корхона ва ташкилотлар вакиллари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида уч томонлама шартнома имзоланди.**

### ЖАҲОНДА

- **Кеча Бразилияда Бутунжаҳон ижтимоий форуми бошланди.**
- **Европа Иттифоқи бюджет меъёрларини бузганлиги учун Венгрияни 2013 йилда молиявий ёрдамдан маҳрум қилишини билдирди.**
- **Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясининг маълум қилишича, Россия Президентлигига номзод сифатида беш киши рўйхатдан ўтказилган.**
- **Франция Президенти Николя Саркози жорий йилнинг 2 апрелида бўлиб ўтадиган президент сайловларининг биринчи босқичида муваффақиятга эриша олмаса, сиёсатдан кетишини билдирди.**
- **Мисрда 1981 йилдан буён амал қилиб келаётган фавқулодда ҳолат бугундан бошлаб бекор қилинади.**
- **Кеча Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида WTI русумли нефтнинг нархи 0,63 долларга пасайиб, бир баррели 98,25 долларни ташкил этди.**
- **Кеча Афғонистоннинг шимоли-ғарбидаги тоғли ҳудудда қор кўчиши натижасида 66 киши ҳаётдан кўз юмди.**
- **Кипрнинг собиқ Мудофаа ва Ташқи ишлар вазирлари 2011 йилнинг июль ойида ҳарбий базада юз берган портлашда айбдор деб топилди.**

Фармон ва ижро

# ТАДБИРКОР — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

***Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб давлатларга салбий таъсир ўтказаётган бир шароитда мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. Ўзбекистоннинг бундай юксак натижага эришаётгани 2011 йилда дунёдаги энг нуфузли молиявий ташкилотлардан бири – Халқаро валюта жамғармаси томонидан эътироф этилди.***

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаси учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилаётгани натижасидир. Бу жараёнда уларнинг ҳуқуқлари ҳимояси изчил таъминланаётгани муҳим аҳамият касб этаётир.

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Ислом ЖАСИМОВ билан тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимояси борасида прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.**

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бозор муносабатлари, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожи учун ҳуқуқий кафолатлар, зарур шарт-шароитлар яратилгани иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда, – дейди И.Жасимов. – 2005 йилда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилингани ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожлантириш учун янада кенг йўл очди.

Айни пайтда жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини кескин камайтириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июнда имзоланган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларида ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар бўлиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, муқобил текширувларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш қатъиян ман этилди.

Ана шундай изчил саъй-ҳаракатлар натижасида сўнгги ўн йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 31,1 фоиздан 54 фоизга ўсди. Соҳада бандлик даражаси эса иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 74,5 фоизини ташкил этмоқда. Шунингдек, аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад улуши тобора салмоқли ўрин эгалламоқда.

**– Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.**

– 2011 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига янада кўпроқ ва кенгроқ эътибор қаратилди. Бу борадаги Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар салмоғи ҳам шундан далолат беради. 2011 йилда яратилган бир миллионга яқин иш ўринларининг асосий қисми ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келади.

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011 йилда ўтказилган назорат тадбирларида 1,6 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқлари бузилгани аниқланди. Жумладан, 343 ҳолатда ортиқча йиғимлар ундирилган, 287 ҳолатда мурожаатлар қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаган, 126 ҳолатда тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашилган, 69 ҳолатда ортиқча ҳужжатлар талаб қилинган.

Қонунбузилиши ва унинг сабабларини бартараф этиш тўғрисида 802 тақдимнома киритилиб, қонунга зид ҳужжатларни бекор қилиш хусусида 1047 протест келтирилди. 1,5 минг нафардан зиёд мансабдор шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. 971 нафар шахс интизомий, 309 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорларнинг 10,8 миллиард сўм маблағини ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, айрим маҳаллий ҳокимликлар томонидан ноқонуний қарорлар қабул қилиниб, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилган. Масалан, Бўз тумани ҳокимининг қарори билан «Жаннатой асл сервис» хусусий корхонаси фойдаланишида бўлган бино ноқонуний равишда туман ҳокимлиги балансига ўтказиб юборилган. Шофиркон тумани ҳокимининг фармойиши билан тумандаги «Олтин сайёра плюс» ва бошқа хусусий корхона ҳамда фермер хўжаликларига қонунга зид равишда ёзги оромгоҳларга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш мажбурияти юклатилган. Ромитан тумани ҳокимининг қарори билан асоссиз равишда «Фаррух сами инвест» ва бошқа хусусий корхоналар ўз маблағлари ҳисобидан тумандаги уй-жойларни таъмирлашга мажбур қилинган.

Мазкур ноқонуний қарорлар прокурор протестига асосан бекор қилиниб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Текширишларда, шунингдек, айрим электр таъминоти корхоналари ходимлари томонидан тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари бузилганлиги аниқланди. Жумладан, «Тошкент электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятининг Ҳамза тумани бўлими муҳандиси Н.Тўхтаев «Биллурракс-2004» масъулияти чекланган жамияти раҳбари А.Мамажоновдан корхона билан шартнома тузиш эвазига 850 минг сўмни пора тариқасида олганлиги учун суд олдида жавоб бермоқда.

Жойларда назорат-текширув органлари томонидан тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашиш, уларга нисбатан таъмагирлик қилиш, ноқонуний текширишлар ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам аниқланди. Масалан, Избоскан тумани солиқ инспекцияси инспектори М.Валиев тадбиркор М.Рўзиевадан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган 400 минг сўм қарздорлигини йўқ қилиш эвазига 200 минг сўмлик маҳсулотни олганда ушланди. Юнусобод тумани статистика бўлими бошлиғи Р.Икромова «Кошин» хусусий фирмаси бош ҳисобчиси В.Мирзаевадан молиявий ҳисоботларда хатолар борлигини важ қилиб, жарима қўлламаслик эвазига 60 минг сўмни пора тариқасида олганда фош қилинди. Ушбу ҳолатлар бўйича қўзғатилган жиноят ишлари натижасига кўра, айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилди.

**– Тадбиркорлик субъектлари прокуратура органлари тизимида жорий этилган «007» рақамли «ишонч телефони»дан қай даражада фойдаланмоқда?**

– Таъкидлаш жоизки, «ишонч телефони» тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг тезкор ва тўлақонли ҳимояланишини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. 2010 йилда «ишонч телефони»га 335 мурожаат тушган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 2,3 мингдан ошди. Уларнинг аксарияти қаноатлантирилиб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Масалан, «Экспресс курьер» масъулияти чекланган жамияти раҳбари И.Умаров Қарши шаҳар прокуратураси «ишонч телефони»га кредит олишда муаммога дуч келаётганидан шикоят қилган. Ўрганиш давомида бу масалани ўз вақтида ҳал қилмаган «Микрокредитбанк»нинг Қарши шаҳар амалиёт бўлими бошлиғи В.Аннаев интизомий жавобгарликка тортилди ҳамда тадбиркорга 20 миллион сўм кредит ажратилиши таъминланди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари томонидан ҳокимликлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда 2011 йилда тадбиркорлар билан ўтказилган 7,7 мингдан ортиқ бевосита учрашувларда 380 мингга яқин тадбиркор иштирок этди. Ушбу тадбирларда уларга ер майдони ажратиш, кредит ҳамда лицензия олиш ва бошқа муаммоларнинг ҳал этилишида кўмаклашилди.

Иқтисодиётимиз барқарорлиги, жамиятимиз равнақининг муҳим таянчи бўлган тадбиркор манфаати доимо қонун ҳимоясида. Уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат жазосиз қолмайди.

**Норгул АБДУРАИМОВА**
**суҳбатлашди**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг ташкил этилиши мазкур ташкилотларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шароитлар яратмоқда. Парламент комиссияси ташкил этилганидан буён жамоат ташкилотларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан 21 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

2011 йилда бу кўрсаткич 5 миллиард сўмни ташкил этди. Маблағлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида демократик талаблар, тенглик, очиқлик, ошкоралик, холислик тамойиллари асосида тақсимланди. Давлат субсидияси, грантлари, ижтимоий буюртмаси шаклидаги лойиҳаларда 1,3 мингга яқин жамоат ташкилоти қамраб олинди.

2011 йилда ўтказилган бешта грант танловлари асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, касаначиликни ривожлантириш, ёшларни иш билан таъминлаш, имконияти чекланганлар манфаатларини ҳимоялаш, баркамол авлодни вояга етказиш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаоллигини оширишга йўналтирилди. Ташкил этилган ярмаркалар, форумлар, мавсумий мактабларда ёшларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, уларни ишга жойлаштиришга яқиндан кўмаклашилди.

Йиғилишда Парламент комиссияси фаолияти, молиялаштирилган лойиҳалар ижроси, маблағларнинг мақсадли сарфланиши мониторинги натижалари атрофлича муҳокама этилиб, жорий йилдаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Иқтисодиёт

# ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС

***Юртимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, энг замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, кооперация алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Матбаачилик соҳаси корхоналарининг ҳам экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, барқарор ишлашини таъминлаш, ташқи бозорда рақобатбардошлигини кучайтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи матбаачилик соҳасига ихтисослашган энг йирик корхоналардан саналади. Дарҳақиқат, ўтган йили «Халқаро сифат менежменти — ISO 9001-2008» сертификатига эга мазкур корхонада кўплаб дарслик, ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий китоблар, альбомлар, турли босма маҳсулотлар, эллик номдан ортиқ газета ва журналлар чоп этилди. Янги йилни кўтаринки кайфиятда бошлаган жамоа аҳли жорий йилда бундан-да юксак марраларни кўзлаган ҳолда меҳнат қилмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш борасида 2009 йилда тўрт миллионта, 2010 йилда ўн икки миллионта, 2011 йилда эса 30 миллион донадан зиёд дафтар тайёрланганлигини айтиб ўтиш жоиз.

Ўз навбатида, самарали саъй-ҳаракатлар муваффақиятлар омили бўлмоқда. Халқаро сифат сертификатига эга бўлган корхонанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ва юксалтириш, жаҳон бозори талаб ва эҳтиёжларига мос экспортбоп матбаачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш янги буюртмачиларни жалб этиш имконини беряпти.

# МАНФААТЛИ ШЕРИКЧИЛИК АСОСИДА

***Иқтисодий ислоҳотлар самарасини таъминлашда хорижий сармоядорлар билан шерикчиликда ташкил этилаётган қўшма корхоналар ўрни салмоқли. Замонавий, юксак самарали чет эл технологиялари, малакали мутахассислар кўмагида маҳаллий аҳолининг бандлиги таъминланиб, ички бозор сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирилаётгани қувонарли, албатта.***

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» давлат уюшмаси тизимидаги «Тошкент қувур заводи» қўшма корхонасининг фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Аввалига 50-60 киши, ҳозирда эса 2000 ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхона замонавий андозалар, илғор технологиялар шарофати билан шундай юксак даражага эришмоқда.

Ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан тўлдиришни мақсад қилган қўшма корхона жамоаси бугунги кунда мамлакатимиз қурилиш ва ёнилғи-энергетика соҳаси, қишлоқ сув ҳамда коммунал хўжалиги ташкилотлари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг металл қувурга бўлган талабининг деярли 70 фоизини таъминлаш йўлида изланмоқда.

Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, қўшма корхонада электр пайвандли ва тўғри чокли қувурлар, турли соҳаларда қўлланиладиган 1,2 мм.дан 4 мм.гача бўлган квадрат ва тўғри тўртбурчакли кесимли қувурлар ишлаб чиқарилади. Кейинги йилларда изланишлар давом эттирилаётган корхонада турли ҳажмли қувурлар билан чекланиб қолмай, профилли тунука, тўлқинсимон шифер, полимер қопламали металл томёпқичлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Ёшлар — келажагимиз

# АЖДОДЛАР АНЪАНАЛАРИГА СОДИҚМИЗ

***Мустақиллик йилларида ўсиб келаётган ёшларни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўғил-қизларнинг мард, жасур, интеллектуал салоҳиятли, кенг тафаккур эгаси бўлиши йўлида барча шарт-шароитлар яратилиб, замонавий касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактаблар улар ихтиёрида.***

Хусусан, Тошкент юридик коллежида ҳам бу борада ўқувчиларга ҳар томонлама билим бериш, иқтидор ва истеъдодларини юзага чиқариш, уларни қўллаб-қувватлашга муҳим эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан янги қабул қилинаётган Фармон, қарор ва фармойишлар мазмун-моҳиятини ўқувчиларга етказиш, Асосий Қонунимизда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларимиз, бурчимизни англаш, ватанпарвар, юртга фидойи ва муносиб фарзанд бўлиш руҳида тарбиялашда ўз касбининг фидойилари бўлган устоз ва мураббийларнинг ҳиссаси катта албатта. Шу билан бирга коллежда ҳар бир байрам, шонли саналар муносиб нишонланади, турли ижодий учрашувлар, тадбир ва танловлар ўтказилади. Улар орқали ўғил-қизларнинг фаоллиги, интилувчанлиги, билими оширилади.

Мана шундай тадбирлардан бири «Аждодлар анъаналарига содиқмиз» шиори остида ташкил этилиб, унда Учтепа тумани мудофаа ишлари бўлими, «Камолот» ЁИҲ вакиллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этишди. Тадбирда сўз олганлар Қуролли кучларимиз мамлакатимиз озодлиги, муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати эканлиги, ўз ҳаётини дунёдаги энг муҳим ва олижаноб вазифа — Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбга бағишлаган инсонлар давлатимиз ва жамиятимизда ҳамиша юксак ҳурмат ва эътиборга муносиб деган фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтдилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда барчамизнинг қалбимизда ғурур ва ифтихор ҳислари жўш урмоқда, бунинг сабаби, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад ҳамда шон-шараф ишига айланиб бормоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиб, иродалари тобланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар сифатида камол топмоқда.

«Ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда кун сайин обрў-эътиборли касбга айланиб бормоқда», — деган эди Президентимиз.

Ҳозирги кунда юксак эзгу орзу-умидлар билан мустақил ҳаётга қадам қўяётган минглаб ёшлар учун Армия сафларида хизмат қилиш уларнинг шахс сифатида шаклланишида ўзига хос пойдевор бўлмоқда.

Бунда ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик руҳи ва ҳарбий хизматга бўлган ишончни шакллантириш, ўз Ватани ва халқига садоқатли бўлиб камол топишида коллеж ва лицейларда «Мардлар қўриқлайди Ватанни», «Аждодлар анъаналарига содиқмиз ва давом эттирамиз» мавзуларида ўтказилаётган давра суҳбатлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Албатта мана шундай ўтюрак, ватанпарвар ёшлар Ўзбекистонимиз келажагининг таянчи ва суянчи бўлади.

**Давлат ЭРКАБОЕВ,**
**Тошкент юридик коллежи Ёшларни чақириққача тайёрлаш йўналиши ўқитувчиси**




**СУРАТДА: «Тошкент» аэропортидаги маҳаллий авиалинияларнинг янги аэровокзали.**

**Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган сурат**

***«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти тизимида хизмат кўрсатишнинг янгича усуллари жорий этилмоқда. Бу эса почта хизмати кўрсатиш сифатини янада яхшилаб, халқаро почта алмашинувини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, халқаро ва шаҳарлараро сўзлашувлар учун абонент тўловларини замонавий почта бўлимларида тезкор қабул қилишни йўлга қўйишда қўл келмоқда.***

Диққат, янгилик

# СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛДИ

«Тошкент почтамти» филиалида эса интернет орқали курьерлик хизмати учун буюртмаларни қабул қилиш хизмати жорий этилди.

— Электрон пул ўтказмалари тизими бундан олти йил илгари ишга туширилган эди, — дейди «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директори Р. Қосимов. — 2007 йилда эса Халқаро электрон пул ўтказмалари хизмати йўлга қўйилди. Бутун жаҳон почта иттифоқининг пул ўтказмалари тизими орқали Россия, Украина, Беларуссия, Қозоғистон ва Молдова мамлакатлари билан хизматлар алмашиш бошланди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖга халқаро стандартлар талабига мувофиқ сифатни бошқариш тизимини жорий этганлиги учун «Ўзстандарт» агентлигининг миллий сертификати топширилди.

**Акбар АЛИЕВ**

Мулоҳаза

# ТЎЙ ВА МАРОСИМЛАР — ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ

## УЛАРДАГИ НОМАНЗУР ҲОЛАТЛАРГА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК!

### ФАРМОН ВА ИЖРО

Ҳар бир қонуности ҳужжати (фармон, фармойиш, қарор) замон талаблари асосида қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашам ва маърака-маросимларни тартибга солиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган 1998 йил 28 октябридаги Фармоннинг имзоланиши учун ҳам жамиятда катта эҳтиёж пайдо бўлган, яъни талай жиддий сабаблар юзага келган эди.

Буни унинг дастлабки жумласиданоқ билиб оламиз: "Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда".

Хўш, кимлар бунга йўл қўйди?

Фармон матнида бу ҳақда ҳам очиқ маълумот берилган: «Бундай хунук одатларга берилган баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳаллаларда, истиқомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлмоқда, оддий одамларнинг нафсониятига тегмоқда...»

Мазкур ҳужжатда ўтганлар хотирасига бағишланган маъракаларни ўта дабдабали ўтказишлар миллий расм-русумларимизга путур етказаётгани, муқаддас диний анъаналаримизни обрўсизлантираётгани ҳам айтилган.

Энг ачинарлиси, бу жамиятда носоғлом мусобақага айланиб кетаётгани дабдабали тўй-ҳашамларни ўтказишга қурби етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволга солиб қўяди.

Ҳамма замонда ҳам бир тоифа кишилар қўлида эҳтиёжларидан ортиқ маблағ тўпланиб боради. Аммо халқимизнинг азалий анъаналарида бўлганидек, хайр-эҳсон қилиш, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, уларнинг турар-жойларини обод қилиш, эл-улусга хизмат қиладиган йўллар, кўприклар қуриш, сармояни ишлаб чиқаришга сарфлаб, янги иш ўринлари пайдо қилиш, шу тариқа эл-юрт ўртасида ҳақиқий обрў-эътибор орттириш мумкин-ку.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги қарори билан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисида низом" тасдиқланди.

Ана шу Низомнинг "Умумий қоидалар" деб номланган қисми 3-бандида мана бундай вазифа белгиланган: "Яраштириш комиссиялари ҳудуддаги оилаларнинг барпо этилиши, тўйлар, шунингдек, тўйлар олдидан ва тўйдан кейинги ўтказиладиган тадбир-ҳашамларнинг ўтказилиши, оилалардаги ижтимоий-руҳий вазиятнинг мўътадил бўлиши учун масъул бўлган асосий тузилмадир".

Низомнинг "Яраштириш комиссияларининг вазифалари" деган қисми 10-бандида эса: "Тўй, маъракани ва улар олдидан ҳамда улардан кейин ўтказиладиган бошқа тадбирларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш, ортиқча сарф-харажатлар оила турмушида салбий из қолдириши, оилалардаги ижтимоий-руҳий муҳитнинг бузилишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боради", – деб белгиланган.

Низомнинг "Яраштириш комиссияларининг ҳуқуқлари" деб номланган қисмига кирган 31-бандда: "Ҳудуддаги оилаларнинг тўй-ҳашамларини ташкил этишда сарф-харажатлар меъёрини белгилаш" ҳам кўзда тутилган.

Албатта, тўй-ҳашамлар санъаткорлар хизматисиз, яъни ўйин-кулги, хурсандчилик, рақс ва қўшиқларсиз ўтмайди. Шуни назарда тутиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябридаги қарори билан "Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек, тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни лицензиялаш тўғрисида низом" ҳам тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашам ва маъракаларни тартибга солиш билан боғлиқ тилга олинган Фармони эълон қилинганидан кўп ўтмай, яъни 1998 йилнинг 3 ноябрида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг "Тўй, маросим ва маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида фатво"си чиқарилди. Унда тўй, маросим ва маъракаларнинг шаръий меъёрлари белгилаб берилди...

Мамлакатимизда азалдан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган турли маросим, урф-одат ва анъаналар, халқимизнинг қадим тарихига бориб тақалувчи бебаҳо маънавий мероси, қадриятлари, орзу-ўй, истаклари улкан маънавий бойлигидир. Юртимиз мустақилликка эришгач ана шундай маънавий бойлигимизни тиклаш, бойитиш учун яна кенг имкониятлар яратилди.

Ушбу Фармон қабул қилинганидан кейин кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Тўй, маърака ва бошқа маросимлар анча ихчамлашди. Бироқ кейинги пайтларда бу масала кенг жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолди.

Яъни, кейинги йилларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ортиқча дабдаба билан ўтказиш, исрофгарчиликларга йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби салбий иллатлар учрамоқда.

Юртбошимизнинг мазкур Фармонидан кейин ўн йилдан ортиқ вақт ўтган бўлсада, у ҳамон бугунги куннинг ҳам долзарб масаласи бўлиб турибди.

Ҳалол ва виждонли одам ўз меҳнати маҳсулини қадрлайди, дабдабабозлик, манманликка берилмайди.

Аммо, кейинги пайтларда ушбу масалага яна жиддий эътибор қаратишнинг вақти келди.

### АНЪАНАЛАРИМИЗГА МОС БЎЛСИН

Тўйларимиз – албатта, миллий қадрият. Ўзбекнинг тўйи ҳеч кимникига ўхшамайди. Энг миллий нозик жиҳатларимиз айнан тўйларимизда намоён бўлади. Уларда асрий анъаналаримиз ўзига хос тарзда мужассамлашади.

Шундай экан, тўйларимиз ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам ана шу миллий анъаналаримизга зид келмаслиги керак.

Амалда қандай бўляпти?

Тўғри, келин билан куёвни эл олдига чиқариб, замон билан ҳамнафас янгича базм қилишимиз шаклланган. Лекин келинларимиз ва қизларимизнинг тўй либослари нега айнан европача ярим очиқ кийимларга тақлид қилиш билан асосланиши керак? Ахир шу маънавият ва маданият белгисими?

...Бир киши ўғлининг никоҳ тўйини ўтказиш учун ресторанни гаплашиб, кунини белгилатиб қўйишга борибди. Ресторан иш юритувчиси:

– Отахон, юз доллар берсангиз, чироқларни ўчирувчилар ҳам хизматингизда бўлади, – дебди.

– Ие, ҳали чироқ ҳам ўчадими? Унақа қилманг, укажон, не орзу-ҳавас билан тўй қиляпман, тўй тўйдай ўтсин, – дебди ҳайрон бўлиб отахон.

Шунда иш юритувчи у кишига «антиқа вальс»га тушиш маҳали чироқларни ўта пастлатиб, ўчириб-ёқиб турадиганлар хизмати борлигини аранг тушунтирибди. Шунда у:

– Ахир тўйда ҳам бундай номаъқул ҳаракатлар бўлиши керакми? Бу қаердан чиққан одат, – деган экан асаби чидамай.

Мана сизга иш юритувчининг савияси ва фаҳм-фаросати.

Айрим тўйларда ёш йигит-қизлар келин-куёвни табриклаш баҳонасида улар ёнига бориб олишади, албатта, қадаҳларга қуйилади. Афсуски, кўпгина куёвларимиз, ҳатто, айрим кизларимиз ҳам спиртли ичимликдан истеъмол қилишади.

Яна бир муаммо — баъзи ёшларимиз, жумладан, қизларимизнинг бугунги маънавий қиёфаси, таълим-тарбияси, жамоат жойларида, тўй-ҳашамлардаги кийиниш маданияти, (калта юбка, тор шим кийиш, елкасини ортиқча очиб юриш, сочларини уч-тўрт хил рангга бўяш) катталарга, устозларига, ота-оналарига бўлган муносабати, айниқса, «Оммавий маданият"га ружу қилаётганлигига йўл қўйиб бўлмайди. Ахир либос – ўзбек аёлларининг зийнати – иффат, назокат ва латофатидир. Ачинарли жиҳати шуки, либос ҳаё пардаси, орият кўзгуси эканлигини унутишдир. Афсуски, айрим ёшларимиз буюк алломаларимиз маънавиятидан бехабардек. Лекин, рок, рэп, поп мусиқаларини жуда яхши билади. Ўзининг ўтмишини, тарихини, буюк алломаларини билмаган одам қандай қилиб бугунги куннинг қадрига етиши мумкин!..

Бу борада биринчи навбатда кенг жамоатчилик, оилалардаги таълим-тарбияда ота-оналарнинг масъулиятини оширмоғимиз зарур. Бир сўз билан айтганда, ёшларимизнинг маънавиятини оширишда барчамиз чуқур масъулиятни ҳис этишимиз керак.

Тўйларимиз миллий бўлсин, қадриятларимизга зид келмасин, ҳам замонавий хусусиятлардан холи бўлмасин.

### ДОНИШМАНДЛАР НАЗДИДА

Азалдан халқнинг тўй-маъракаларга ҳаддан ташқари берилиб кетиши донишмандларни безовта қилиб келган.

Бунинг энг олий намунаси буюк Алишер Навоий ижодида учрайди.

Сахийлик – ҳаммага маълумки, хасислик иллатининг акси, аниқроғи, кишининг ўзида борини бировдан аямаслигига асосланган фазилат. Тўй ҳам – аслида, сахийликдан келиб чиққан тадбир.

Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонида саховатни тушунтириб беради, уни бевосита иймон билан боғлайди.

Шоир наздида саховат ҳам – аввало, шукроналик қилишнинг бир белгиси. Аммо саховат шундай нозик нарсаки, киши ҳушёр бўлмаса, сахийлик деб қилган аъмоли бахиллик ҳисобига ўтиб кетиши ҳеч гап эмас.

Ихтиёрингиздаги бойликларингизга ҳам умум башариятнинг инсонлар учун инъом этган мулки, деб қараш керак. Шу сабаб ном чиқариш учун пала-партиш харажат қилиш, ноўрин исрофга йўл қўйишдан кўра бахиллик фойдалироқ, чунки, ҳатто, бахилнинг қўлидаги бойликдан ҳали бошқаларга фойдаси тегишини умид қилса бўлади. Исроф этилган бойлик эса ҳавога соврилиб бўлди.

Буюк мутафаккир, агар кимки ном қозониш учунгина гавҳар сочаётган бўлса, ундан бахиллик яхшироқ, деб ҳисоблайди.

Демак, йиғилган бойликни ўз ўрнига мос равишда сарфлашгина – саховат! Шу сабаб, токи тирик экансан, саховат уруғини эк!

Ўша Навоийлар замонида ҳам дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, таъмагирлик, кимўзарга, яъни ном чиқариш учун исрофгарчиликка йўл қўйиш каби иллатлар бўлган.

Бугун тўйларимизда ноўрин сарфлаётган пулларимиз саховат белгиси эмас. Чунки умуммиллий ҳаётимизни бундан ҳам гўзалроқ, янада фаровонроқ даражаларга кўтаришимиз керак.

### МЕЪЁР ВА МЕЗОН

Истиқлол туфайли, бозор иқтисодиёти шарофати билан халқимиз орасида ҳам ўзига тўқ кишилар кўпайди, бу яхши албатта. Аммо тўқликка шўхлик билан баъзи тўй-ҳашамлар ва маърака-маросимларда ноўрин ҳотамтойлик қилиш ҳам авж олди.

Дабдабали ўтаётган тўй-ҳашам, маърака-маросимларнинг тобора одамлар елкасига кўтариб бўлмас юк бўлиб тушаётгани кимларгадир жуда-жуда керак. Тўй-ҳашам ва маърака-маросимлардан мўмай даромад топаётган талай-талай гуруҳлар пайдо бўлди. Улар тинмай ўзини, хизматини реклама қилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Албатта ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Лекин нима учун баъзиларимиз бу масалада кўр-кўрона тақлидчи бўлиб қолаверамиз? "Кўрпангга қараб оёқ узат", – деган мақолни доно халқимиз тўқиган бўлса, ҳозирги айрим тўйларимиз кўпларимизнинг кўрпамизга мос эмас. Халқ тили билан айтганда бу масалада этагимизни йиғиштириб олмасак, кўрпамиз кичрайиб бораверади.

Бир профессорнинг вафоти муносабати билан ёзилган эҳсон дастурхони атрофида тўпландик. Меҳмонлар эрталаб 7.30 га айтилган бўлишига қарамай, домла соат 8 да келди. Ёши 30-35нинг нари-берисидаги бир йигит экан.

Бегим куни эди. Ҳамма ишга шошаётгани кўриниб турибди. Худо берди тайёр тешик қулоқларни, деб, домла ярим соатдан кўпроқ маъруза қилса денг. Биринчидан, отаси тенги одамларга ўғли тенги кишининг насиҳат қилиб ўтиргани – ғалатироқ. Иккинчидан, маъруза бу ерда йиғилган илм аҳли даражасидан анча паст савияда бўлди. Учинчидан, чўзилгандан-чўзилди. Бир хиллар ошни ҳам кутмай туриб, ишига кетишига тўғри келди.

Бундай маросимларда ҳамма меъёрга амал қилиши – шарт. Амри маъруф қилишнинг ўз тартиб-қоидаси, фаросати бўлиши керак.

– Академикларга «укадемик» насиҳат қилишини қаранг, – деб қўйди орамиздаги ҳазилкаш оғайниларимиздан бири.

Дарҳақиқат, барча домлаларимиз бирдек турли маросим, йиғинларда ортиқча исрофгарчиликларга чек қўйиш, дабдабабозликларнинг зарарли иллат эканлиги ҳақида кўпроқ маърузалар қилсалар жуда ўринли бўлар эди. Қолаверса, бу ёшларимиз тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатган бўларди.

"Суннат" ва хатна баҳонасида катта тўй қилиб бериш мусулмон оламида йўқ. Бу баъзи корчалонлар ўйлаб топган русум. Шуларга қарамай айрим маҳаллаларда ишлаб чиқилган тавсияларда суннат тўйларини ихчамгина ўтказиб, дастурхонга битта таом – ош тортиш, бу тадбирни спиртли ичимликларсиз ўтказиш кўзда тутилган.

Айнан ана шу спиртли ичимликлар аралашгани учун ҳам баъзида нохуш ҳодисалар бўлиб туради...

Ҳар қандай жамиятда, жумладан, бозор иқтисодиёти амалда бўлган мамлакатда ҳам тариф, яъни қандайдир нарх-навонинг умумий мезонлари шаклланган бўлади. Масалан, ҳозирги пайтда бир муаллимнинг саксон дақиқалик дарси ва унга тўланадиган ҳақ меъёри белгиланган. Албатта, аввало, у ҳар қанча тажрибали бўлмасин, ҳар бир дарсга бир кун олдин обдон ҳозирлик кўради.

Хўш, қўшиқчининг тўйдаги саксон дақиқалик хизмати қанча туриши керак?

Очиғи, хонанданинг "бирров"га келиб-кетиши учун минг доллар тўлаш қаёқдан чиққан? Яна у фонограммада қўшиқ айтса...

Бунинг устига, нима асосга кўра уларга ҳам тўйчи тарафидан тўланадиган ҳақдан ташқари яна тўйда қатнашаётганлар пул қистириши керак? Ахир бунга чек қўйиш ўзимизга боғлиқ-ку!

...Тошкентда ўтказилган бир тўйда узоқдан келган бир гуруҳ меҳмонлар иштирок этишди. Бир хонанда ашула айта туриб, уларнинг олдига келиб олди. Тўғри, бу меҳнаткаш, содда одамлар телевизорда чиқиб турадиган ашулачини яқиндан кўриб, суҳбатлашиб турганига хурсанд, албатта. Меҳмонлардан бирининг кайфи ошиброқ қолди, чамамда, шу қўшиқчига қистиравердди. Ҳойнаҳой, унга юз минг сўмдан кўп пул кетди-ёв.

Амалда эса бу ҳолатда бу оддий киши ўзига тўқ хонандага ҳиммат қилди. Аслида, тескариси бўлиши керак эмасми? Очиғини айтганда, у бу одамга ҳиммат қилса, адолатдан бўлур эди.

Хуллас, тўйларимизда санъаткорларга хизмати учун меъёр билан бир марта келишилган ҳолда ҳақ тўлашнинг ўзи етарли эмасми? Умуман, тўйларда пул қистиришдек бемаъни одатга барҳам бериш керак.

Рақс ҳам – санъат. Санъат бўлганда ҳам, буюк санъат. Халқимиз бу борада жаҳонда машҳур улуғ меросга эга.

Аммо баъзи тўйларда рақкосаларнинг мақсади ва вазифаси санъатини намойиш этишдан иборат эмаслиги яққол кўзга ташланади. Икки-уч соатлаб бўлар-бўлмасга одобдан чиқиб рақсга тушганидан кейин санъатнинг санъатлиги қоладими?

Кўпинча раққосани хонандалар пул йиғиб келиш учун ўйнатади. Ҳозир унинг ёнида юриб, тушган пулларни чангаллаб, йиғиб юрадиган "штат"лар ҳам пайдо қилиб олишган.

Ёки айрим "кулги уста"ларини олайлик. Ахир уларнинг бачкана, ҳаёсиз, маза-матрасиз қизиқчиликлари тўй аҳлини кулдириш ўрнига энсасини қотираётгани ҳам сир эмас-ку.

Тўй – моҳиятан хайриянинг бир кўриниши. Тўйчи хурсандчилигини кўпчилик билан баҳам кўради. Тўй қилиб, элнинг олдидан ўтиб, никоҳланиш икки тарафга ҳам катта масъулият юклайди.

Тўйга тўёна билан келиш ҳам – миллий анъаналаримизда бор.

Аммо айримлар учун тўй аллақачон унга осонгина тўёна йиғиштириб олишнинг бир қулай воситасига айланиб улгурган.

Бир киши тўй қилди – ўғлини уйлантирди. Аммо, у ҳатто, бир тизимда ишловчи олисдаги ҳамкасбларни ҳам тўйига айтмабди. Сабабини суриштирганларга: "Мен фарзандим учун тўй қиляпман, бу уларга ташвиш бўлмаслиги керак. Шунча узоқ жойдан пул сарфлаб, етиб келиши керак, яна тўёна бераман, дейди. Мен қарздор бўлиб қолишим керакми?" – деган экан...

### ТАҚЛИДЧИЛИК ОҚИБАТЛАРИ

Инсон зоти табиатан тақлидчиликка мойил. Баъзида бир масалани ҳал этиш учун бош қотириб ўтиргандан кўра, бу муаммо ечимида бошқалар қандай йўл тутаётганини аниқлаб, шунга амал қилиш – осонроқ. Кўп масалаларда бу яхши самара беради, албатта.

Бироқ тўй-ҳашам, тадбир-маърака борасида бу жуда қалтис масала. Чунки кимдир бир нарсани жорий этса, тезда у ёзилмаган қоидага кириб қолиши хавфи, ҳатто, Муҳаммад (с. а. в.) даврларида ҳам бўлган.

Ҳазрат пайғамбаримиз (с. а. в.) қизлари Фотима(р. а.)ни узатаётганларида одамлардан Мадина шаҳридаги энг камбағал одам қизига қандай сеп қилаётганини сўраган эканлар. Улар битта тошқозон, битта кўйлак, битта бўйра, битта кўрпа бераётганини айтишибди. У киши ҳам қизларига сеп қилиб айнан шунча нарса берибдилар. Чунки бундан кўпроқ сеп қилсалар, биринчидан, камбағал кишиларнинг кўнгли ўксиши мумкин, иккинчидан, бошқалар ҳам у кишига тақлид қилиб, шуни расмга киритиб олишса, қўли калта кимсаларга жабр бўлишини ўйлаган эканлар.

Айримларда шундай бўляптими?

Ҳали оилавий иқтисоди шахсий машина сотиб олиш даражасига етмаган, лекин келин билан куёвни узунлиги 11 метр келадиган, "Лимузин" ёки қўша-қўша «Прадо»ларда тўйхонага жўнатиш керак эмиш. Ахир бу автомобилларнинг бир тўйга хизмати ҳозирги кунда бир неча юз доллардан кам бўлмаса керак.

Кейин келин билан куёв бир неча йил қарз узиб юради.

Бу кимга керак? Ахир, бир неча соатлик қарзга келган "Лимузин" бахт белгисими? Қариндош-уруғнинг, қўни-қўшнининг оппоққина "Нексия"си ёки "Ласетти"сида борса, бир жойи кам бўлиб қолади, деб қайси муқаддас китобда темир ҳарфлар билан битиб қўйилибди?

Бундан ташқари, қўша-қўша енгил машиналарда йўл ҳаракати қоидаларини бузиб ёшларимизнинг бахтсиз ҳодисаларга учраганини ҳам эшитганмиз.

Бу баъзиларнинг калтабинлик ва маънавиятсизлигидан бошқа нарса эмас.

Биз – шубҳасиз, меҳнаткаш халқмиз. Лекин гоҳида тўплаб-тўплаб, бир кечада совурамиз. Умр эса чексиз, кишининг маблағ топиш учун имкониятлари ҳам доимий эмас.

Айрим ошларда юз-юз эллик, ҳатто икки юз кило гуруч дамланганини айтишади. Киши бошига 100 граммдан ҳисобласак, демак, бу ошга нақ икки мингдан ортиқ одам келибди-да.

Албатта, мансаб ҳам, бойлик ҳам боқий эмас. Ўша 1,5-2 юз килограмм ош дамлаб, довруғ таратмоқчи бўлганлар вақти келиб ҳатто 50 килограмм ошлари ҳам ортиб қолиши мумкинлигини наҳотки тушунмаётган бўлсалар? Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўп.

Шу ҳотамтой мазкур маблағига маҳалласида бир кичик корхона очса ёки болалар майдончаси қуриб берса бир неча киши янги иш билан таъминланади, болаларга қувонч бағишлайди, савобга қолади.

### ОШ ВАҚТИ ҚАЧОН?

Юқоридаги Фармон қабул қилинганидан кейин кўп маҳаллаларда, аксарият жойларда ош вақти тонг отишидан икки соат кейинга кўчирилди. Бу қулайлик барчага манзур бўлди. Ошни еб, ишга кетаверасан. Лекин соат 5 – 6 лардаги ошдан чиқиб, кўплар аросатда қолади: ишга борай деса, жуда эрта, уйга қайтай деса, мисол учун Юнусободдан яна Сергелига қайтиш, бир оздан кейин яна шаҳар марказига ишга бориш керак.

Тушлик маҳалига мослаб ош бериш – яхши таклиф. Биринчидан, ҳамма ишхонада 1 соат тушлик учун вақт ажратилади. Иккинчидан, ҳамма, барибир, тушлик қилиши керак. Афсуски, шаҳарда аксарият кундузги ошлар соат 11 га мўлжалланади. Бу на нонушта, на тушлик вақти. Нега шундай? Чунки кексалар соат 12 гача ошни еб, соат 13 гача пешин намозини ўқиш учун масжидга етиб олиши керак экан. Ахир, шу ердан ошга келадиганлар неча киши-ю, жами ошга келадиганлар сони қанча? Нима учун озчиликнинг манфаати кўпчиликнинг манфаатига зид келиши керак?

11 да ошга етиб бориш учун ишхонадагилар соат 10 дан йўлга тушадими? 12 – 12 яримгача ошда овора бўлинадими? Соат 14 гача тушликми? Демак, ходим соат 10 дан 14 гача, яъни нақ 4 соат ишда йўқ. Меҳнат интизоми қани? Унум нима бўлади?

Муқаддас динимиз исрофга қатъий қарши туради. Исроф нега ёмон? Чунки меҳнат — машаққат, яъни кўп вақт сарфлаб етиштирилган маҳсулотлар нобуд бўлаётгани, инсон қуввати, умри бекор кетаётгани учун исрофга қарши турилади. Хўш, вақтни бекор кетказиш исроф эмасми? Исрофнинг каттаси – ўзи шу-ку!

"Тўйга борсанг, тўйиб бор", – деган ўзбек халқ мақоли мавжуд. Тагзаминида бир олам маъно-мазмун яширин бунинг. Аввало, тўйга кўзингни тикиб, ўша ердан тўйиб келаман, деган фикр билан борма, дейилмоқчи. Иккинчидан, тўй, гарчи фақат еб-ичишга мўлжалланган маросим эмас. Тўй – аввало, маънавий тадбир. Тўй-ҳашамлар, оилавий маросимлар ва бошқа урф-одатлар миллий қадриятларимиз, маънавиятимизнинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади, албатта. Шундай экан, тўйда маънавиятсизликка йўл қўйилмаслиги зарур. Яна бир мақолимизда бу ҳам таъкидланади:

Тўйга борсанг, тўйиб бор,
Ёмонлигинг қўйиб бор.

Бироқ кейинги вақтларда тўйлар, турли маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, гўёки ўзаро пойга ўйнаш каби ҳолатлар кучайиб боряпти. Дабдабабозлигу ортиқча ҳашам, исрофгарчиликлар фақат тўйларимиздагина эмас, балки тўйдан кейинги маросимлар, келин саломлар ва қуда чақириқларга ҳам кўчганини қайд этамиз. Ахир, "Мен сендан қоламанми?" қабилидаги ортиқча тоғоралару бошқа буюмлар, сарпоnларни юбориш ҳатто, айрим қудаларнинг ўртасига совуқчилик тушираётгани сир эмас-ку.

Ёки тонг саҳардан "Келин салом" удумимизнинг қўша-қўша санъаткорлар иштирокида гўёки кимўзарга ўтказилаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Мазкур ҳолатларнинг носоғлом мусобақага айланиб кетиши, бундай сохта, хўжакўрсинга қилинадиган одатларнинг ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётгани кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Республикада тўйлар, дафн маъракалари ва бошқа маросимларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда, ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш, бунда маънавият тарғиботчилари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакилларининг фаолиятини ўзаро тизимли йўналтириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Тўй-ҳашамлар ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш бўйича мамлакатимизда кўп йиллардан бери жиддий фаолият олиб бориляпти. Лекин бир бошлаб, кейин ташлаб қўядиган одат ҳам бор. Тўй-маросимларга қарашимиз тубдан ўзгариши керак. Онг-тасаввуримизни ислоҳ қилишимиз лозим. Тўй-ҳашамларга сарфланаётган кераксиз харажатларни эзгу ишларга, хайрли ишларга сарфлашни ўрганишимиз зарур. Гап шунинг устида кетяпти.

Халқимиз оғзаки бадиий хазинасида шундай ажойиб мақол бор. Буни ҳар ким ҳар хил шарҳлаши мумкин. Бироқ, асли: "Тўйдан кейин ноғорага бало борми?" – дейилмоқчи.

Яна ўша гап – бу: "Мен кимдан қолишим керак?", "Фарзандим ўксимасин", "Қудалар нима дейди?" – дегандек манманлик тафаккуридан қутулмаганимизнинг аччиқ оқибатларидан бошқа нарса эмас.

Замон шундай глобаллашиб кетяптики, агар ота-она ана шундай "тўйдан кейинги ноғора"лар ўрнига ёш оилага маънавий мадад ва кўмак берса эди, ҳам фарзандлари, ҳам жамият бирдай ютган бўлар эди, албатта.

### МАҲАЛЛА — ОТА-ОНАНГ

Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Ўзбеклар учун маҳалла жамоа тушунчасидан кўра кўпроқ маънони билдиради".

Тўй-ҳашам ва маърака-маросимларимизни тартибга солишда маҳаллаларнинг ҳам ўрни ва мавқеи – айрича. Халқимизда «Маҳалла — ота-онанг» деган ҳикмат бежизга айтилмаган. Қатор-қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонуности ҳужжатлари, фатволар, тавсиялар, йўриқномалар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви нашрга тайёрлаган "Тўйларимиз маърифати" рисоласида шуларнинг ҳаммаси жамланган. Бу эса айни соҳада фаолият олиб борувчи ташкилот ва мутахассислар учун тап-тайёр қўлланма вазифасини ўтайди.

Шунинг учун ҳам айнан маҳалла тўй-ҳашам ва маъракаларни тартибга солиш, меъёрийлаштиришнинг энг асосий механизми бўлиши мумкин ва керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, шу йилнинг бошларида яна бир хайрли ва ибратли ишга қўл урилди. Шаҳар "Маҳалла" хайрия жамғармаси қошида турли соҳа вакилларидан иборат жамоатчилик кенгаши тузилди ва бу жараён туманларда, маҳаллаларда ҳам бошланиб кетди. Ўйлаймизки, тўйларимизни ортиқча исрофгарчиликларсиз, камчиқим ва ихчам тарзда ўтказиш, ортиқча ҳашам ва дабдабабозликка барҳам бериш борасида бундай кенгашларнинг ўрни катта бўлади. Бундан ташқари, жойларда тузилган Тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича маслаҳат кенгаши ва Тошкент шаҳар жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан бу борада юзага келган тўйхонанинг безатилиши, дастурхонга тортилаётган таомлар сони, санъаткорлар сони, қўйилаётган спиртли ичимликлар, келин-куёвнинг кийиниши ва ўзларини тутиши (ноанъанавий рақсларга тушиш), тўйларда пул сочиш, тўйда ёшларнинг ўзини тутиш ҳолати ва ўтказилаётган тўйнинг давомийлик вақти каби масалалар ҳам аста-секин ўз ечимини топади ва тартибга келади.

Шундай экан, "Кўп билан кенгаш, маъқулига ёндош", — деган мақолимиз ҳам бежиз айтилмаган.

Биз ислоҳотлар даврида яшаяпмиз. Бу халқимизнинг янада юксак даражадаги турмуш фаровонлигига эришишга қаратилган.

Модомики шундай экан, бу борада ўз йўлимизга тўсиқлар пайдо қилмасдан тўй ва маросимларимизни миллий қадриятларимизга мос ва хос равишда ўтказишимиз лозим.

Зеро, тўй ва маросимларимиз қадриятларимиз кўзгусидир, улардаги номанзур ҳолатларга чек қўяйлик!

Сиз бунга нима дейсиз, азизлар!

**Олим МАҲМУДОВ**





Тошкент оқшомлари

# САЛОМАТЛИК — МУСТАҲКАМ ОИЛА ГАРОВИ

***Мустаҳкам оила йили муносабати билан Тошкент маданият коллежида «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз» шиори остида «Мустаҳкам оила сари қадам» мавзусида учрашув ташкил этилди.***

Мазкур тадбир «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси, Олмазор тумани ФҲДЁ бўлими ҳамда талабалар поликлиникаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, учрашувдан кўзланган асосий мақсад — талаба-ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оила мустаҳкамлигини таъминлашнинг ўзига хос жиҳатларини уларда шакллантириш, тиббий кўникмаларини кучайтириш ва уларни ҳар томонлама турмушга тайёрлашдир.

— Соғлом ота-онадан соғлом фарзандлар дунёга келади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳарча бўлими бош мутахассиси Шоира Насриддинова. — Агар биз ёшларимизга бугунданоқ «Соғлом она — соғлом бола» концепциясини тарғиб қилиб борсак, кўзлаган ниятимизга эришамиз, яъни келажакда мустаҳкам оилаларни барпо этишга замин яратган бўламиз. Бир сўз билан айтганда, бундай учрашувлар орқали ёшлардаги оила билан боғлиқ тиббий кўникмаларни шакллантиришни мақсад қилиб олганмиз.

Тадбир сўнгида талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоблар олишди.

**Ўткир МАҲКАМОВ**

## Спорт янгиликлари

***Яқинда Халқаро футбол уюшмаси (ФИФА) томонидан терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.***

### РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Қувонарлиси шундаки, унда Ўзбекистон миллий терма жамоаси 495 очко жамғариб 67-поғонага лойиқ деб топилди. Аввалги рейтинг жадвалида 75-ўринни банд этган миллий терма жамоамизнинг саккиз поғона юқорилаганлигига сабаб, Вадим Абрамов шогирдларининг 2011 йилда уюштирилган Осиё чемпионатида тўртинчи ўринни эгаллаганлиги ҳамда жаҳон чемпионатига саралаш турлари баҳсларида муваффақиятли иштирок этаётганлигидир.

### СУПЕРКУБОК ЎЙИНИ ЎТКАЗИЛАДИ

***Маълумки, мамлакатимизда миллионлар ўйини — футбол жадаллик билан ривожланмоқда. Буни ўтган йилги мамлакат XX миллий чемпионати натижалари ҳам яққол исботлаб турибди.***

Лекин шу кунгача мамлакат миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасидаги баҳсларда чемпионликни қўлга киритган жамоа билан Ўзбекистон Кубоги соҳиби бўлган команда иштирокида суперкубок баҳси уюштирилмаган эди. Жорий йилдан эса мамлакат чемпиони ҳамда Ўзбекистон Кубоги соҳиби бўлган жамоалар суперкубок соврини эгаси бўлиш учун ўзаро беллашадиган бўлишди.

Футбол мухлисларига шуни маълум қиламизки, 11 март куни шаҳримиздаги «Жар» стадионида ўтган мавсум чемпиони «Бунёдкор» ва мамлакат Кубоги соҳиби «Пахтакор» ўртасида Ўзбекистон суперкубоги учун учрашув бўлиб ўтади. Демак, мухлисларни икки етакчи жамоа ўртасидаги қизиқарли, шиддатли курашларга бой беллашув кутмоқда.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Ўзбекистонлик теннисчилар Австралия, Ҳиндистон ва Россиядаги нуфузли халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этмоқда.***

### ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Мельбурн шаҳри мезбонлик қилаётган ўсмирлар ўртасидаги «Australian Open Junior Championships-2012» халқаро турнирида Сабина Шарипова дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтди – чехиялик Жесика Малечковани 6:0, 2:6, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Сабина навбатдаги даврада австралиялик Жеоржиана Рухригга қарши кортга чиқади.

Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги халқаро турнирнинг саралаш мусобақасида Арина Фольц мезбонлардан Санситха Нандакумарни 6:1, 6:1, Рия Бхатияни 6:2, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, асосий тўр баҳсларига йўлланма олди. Шу тариқа бош совринг учун курашаётган кучли теннисчилар қаторига қўшилган ўзбекистонлик спортчи асосий тўрнинг дастлабки босқичида ҳиндистонлик Спурти Шивалингая билан куч синашади.

Россияда эркаклар ўртасидаги «Фьючерс» туркумидаги халқаро турнирда ҳамюртимиз Павел Цой ҳам асосий тўрга чиқиш учун курашмоқда. Павел саралаш мусобақасининг иккинчи босқичида россиялик Иван Зубарев устидан 6:3, 6:2 ҳисобида зафар қучди ва асосий тўр йўлланмаси учун бўладиган кейинги баҳсда яна бир мезбон теннисчи Шалва Жанашия билан рақобатлашадиган бўлди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тадбиркорлар, қурилиш ва пудрат ташкилотлари диққатига!**

«2515-Автожамланма» ва «2521-Автожамланма» давлат унитар корхоналарининг тугатиш комиссиялари Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли қарорига асосан бузилиши белгиланган қуйидаги манзилдаги бино ва иншоотларни кўрсатилган нарх ва шартлар асосида қурилиш материаллари сифатида бузиб олиб кетиш шарти билан сотилишини маълум қилади

1) «2515-Автожамланма» ДУКнинг бошланғич нархи — 179 000 000,0 (бир юз етмиш тўққиз миллион) сўм бўлган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 32-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари;

2) «2521-Автожамланма» ДУКнинг бошланғич нархи — 199 800 000,0 (бир юз тўқсон тўққиз миллион саккиз юз минг) сўм бўлган Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 34-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари.

**Қўйиладиган шартлар:**
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— сотиб олиш тўловини қисқа муддатларда амалга ошириш;
— сотиб олинган бино ва иншоотларни қисқа муддатларда бузиш ва ҳудудни қурилиш чиқиндиларидан тозалаш.

**Мурожаат учун манзил:**
«2515-Автожамланма» ДУКнинг
тугатиш комиссияси
Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод
тумани, Наманган кўчаси, 32-уй
Тел: 733-44-77
«2521-Автожамланма» ДУКнинг
тугатиш комиссияси
Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза
тумани, Паркент кўчаси, 34-уй
Тел: 353-12-13.

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига такроран «Ўзкимёсанот» ДАКнинг 30.11.2011 йилдаги 119-сонли буйруғига асосан, «Ўзкимёсанот» ДАКга тегишли, Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 38-уй манзилида сақланаётган, «РАФ-220301» русумли, д/р 10AS377 бўлган 1993 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 300 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2012 йил 10 февраль куни соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади.** Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 8 февраль куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 10 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 13 ва 16 февраль кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 13 февралдаги такрорий савдолар учун 2011 йил 10 февраль куни соат 18:00; 16 февралдаги савдолар учун 14 февраль куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 40 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

**Тузатиш:** Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлимининг 20.01.2012 йилдаги 20678/17-сонли хатига асосан, «Тошкент оқшоми» газетасининг 17.01.2012 йилдаги 11-сонида чоп этилган хабарномадаги «Тико» русумли д/р 10/079JAA бўлган автотранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили 1998 йил ва «КРАЗ-255151» русумли д/р 10/092JAA бўлган автотранспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йили 1988 йил – деб ўқилсин.

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲАЛОЛЛИК ВА ТЎҒРИЛИК ҲАҚИДА

10. Гўзал ахлоқнинг матонати, ҳиссиётнинг олижанoблиги билан вужудингга сиҳат ва латофат бағишла.

● Суқрот Ҳаким айтади:

— Ҳалол меҳнат, муҳтожларга ёрдам, ғазаб вақтида ёмон сўзлардан тилни, бировни ранжитишдан қўлни тийиш, камчиликни битириб, ёмон хулқ-атворни тузатиб, гўзал ахлоқ эгаси бўлиш — энг зўр фазилатдир.

● Ҳамма одамлар аслида бир хил, дунёга келишлари ҳам бир хил. Фақат табиатан ҳалол одамнинггина номи баланд.

● Узоқ шармандали умрдан кўра, қисқа ҳалол умрни ҳамиша афзал кўр.

● Эй фарзанд, агар дунёда доимо тараққий қилай десанг, ҳалол ва софдил бўл.

● Умрингни фақат мол учун сарфловчи бўлма.

● Дунёда тўғрилик қилиш лозимлиги ҳақида Луқмони Ҳаким тўғрисидаги ҳикматлардан ўрнак ол.

Ҳикоят:

Айтишларича, Луқмони Ҳакимнинг олдига бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишибди. Ундан ҳикматга оид нарсаларни сўрашибди. Шунда келганлардан бири:

— Эй Ҳаким, сен фалон ерда чўпонлик қилган киши эмасмисан? — деб сўради.

— Ҳа, мен ўша чўпонман, — деб жавоб берди Луқмон. — Кўриб турибсанки, ҳозир Ҳакимман.

— Бу даражага қандай эришдинг? — сўради яна у.

Луқмони Ҳаким унга:

— Рост сўзлашдан, ҳалол бўлишдан, бировнинг омонатига хиёнат қилмасликдан, ёлғон сўзламасликдан, беҳуда сўзларни гапирмасликдан, мусибат ва балоларга мардона чидашдан, ўзимни барчадан кам санашдан, деб жавоб берди.

● Инсонлардаги ажойиб хулқлардан бири тўғриликдир. Тўғрилик одамдаги ҳамма ишларнинг тартиб ва бир маромда кетишини таъминлайди.

● Абу Али ибн Сино айтади:

— Тўғри йўлдан ажралмаслик, инсофли, адолатли, ҳалол бўлиш, нафснинг ҳар орзусини бажо келтирмаслик, олим, фозиллар билан суҳбатдош бўлишлик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат ва марҳамат этиш, самимий дўстларнинг маслаҳатлари билан ишга тутиниш, муҳтожларга ёрдам этиш эзгулик маъдани, ҳалоллик белгисидир.

● Бир донишманддан:

— Қайси ярамас одат, ҳамма яхши ҳунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деган жавобни берди донишманд.

● Ҳар бир инсон учун ҳалоллик — кўпчилик бахт-саодати учун яшаш, умум иши учун шахсий манфаатдан ҳам кечиш деган сўз.

● Бизнинг ҳалоллигимиз ўзимиз ва ўзгаларга нисбатан ҳамиша қаттиқ талабчанлигимиздан иборат бўлмоғи лозим.

● Нафратлана билиш ҳар бир ҳалол одамнинг энг муҳим қуроли.

● Агар одам ҳалолликдан юз ўгирса, шу қадар беҳисоб, ярамас иллатларга берилиб кетадики, оқибат натижада ҳаётнинг нопок йўлларидан юришга одатланиб қолади.

**Байт:**
**Ёлғон бевиқор қилур одамни,**
**Ёлғон шармисор қилур одамни.**

● Тўғрилик одамни балодан қутқаради.

● Тўғрилик — ваъдага вафо, сўзда туришликни лозим топади. Берган ваъдасида, сўзида турган одам бугун берган ваъдасини эртасига бузмайди, ваъдасида қаттиқ туради.

**(Давоми бор)**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **26 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ва куннинг биринчи ярмида қор ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 1-3 даража совуқ, кундузи 1-3 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 январда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*

Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси жамоаси уста-ошпаз, соҳа фахрийси

**Шариф Ғуломович СОЛИҲОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.ru
Буюртма Г- 141
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11417 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 15.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ